Шундай мактаб бор

Мирзаободдаги 21-мактаб уч йил муқаддам ЮНЕСКОнинг тегишли ташкилоти аъзолигига қабул қилинган эди. Яқинда шу мактабга ЮНЕСКОнинг Банкоқдаги вакили Кичи Ишида ташриф буюрди. Унга ЮНЕСКОнинг республикамиздаги масъул ходимлари Алишер Икромов, Комилжон Каримов ва бошқалар ҳамроҳлик қилдилар. Шу куни республика ўқув-услубий маркази эса бу ерда илғор тажрибалар асосида республика семинарини ўтказди. Банкоклик меҳмон ҳамда ЮНЕСКО вакиллари бу мактабдаги тажрибани жаҳон андозаларига мос эканлигини таъкидладилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Чет эллик аёллар таҳсини

Ўзбекистон пойтахтидаги чет эл элчилари ва элчихоналар ходимлари, хорижий фирмалар раҳбарлари, Тошкентдаги халқаро дипломатик ташкилотларнинг чет эллик профессор-ўқитувчилари рафиқалари Фарғонага ташриф буюрдилар. 45 давлатнинг вакиллари гўзал Фарғонанинг бугунги гуллаб-яшнаган боғ-роғлари, тарихий ёдгорликлари билан танишдилар. Оламга донғи кетган ҳунарманд, каштачи, атласчилар ишларини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Дарсда хорижлик ўқитувчилар

Нукусдаги «Прогресс» тил ўрганиш маркази халқаро ташкилотлар эътиборига тушгани бежиз эмас. Негаки, бу ерда услуб жаҳон стандартлари асосида ташкил этилган. Шу йилнинг ўзида АҚШнинг бешта университети унинг фаолиятига юқори баҳо бериб, тан олди.

Айни пайтда бу ерда олти юз нафар ўғил-қиз хорижий тилларни тезлатилган усулда ўрганмоқда. Уларга Буюк Британия, АҚШ сингари мамлакатлардан келган ўқитувчилар дарс бермоқда. Эндиликда туманларда ҳам ушбу марказ бўлимларини очиш мақсадга мувофиқлиги яққол намоён бўлмоқда.

Жўшқин ТОШБЕКОВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Иллат ошдами ёки мошда?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 5 январдаги журналист текшируви рубрикасида босилган «Иллат ошдами ёки мошда?» сарлавҳали мақола юзасидан вилоят ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлдаги «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 319-сонли қарори бажарилиши юзасидан Наманган вилоятида 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов раислигида ўтказилган республика ҳукумати комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида газетада акс эттирилган муаммолар кўриб чиқилди.

Йиғилишда «Намангандонмаҳсулот» акциядорлик жамиятида кам қонли болалар учун шифобахш «Плазма» печеньеси ишлаб чиқариш жиҳозларини сотиб олишга маблағни конвертация қилиш масаласи ижобий ҳал этилиши қайд этилди.

Ўзбекистон — Россия «Намтом» қўшма корхонасига келтирилган резина пойабзал ишлаб чиқариш жиҳозлари учун 277 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўрилмоқда.

М. ҲАМИДОВ,
Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 3 апрель, шанба • № 42 (24.437).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МДҲ: давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси

Москва. 2 апрель. *(ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади).* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага келди. «Внуково-2» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Кулик, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Шоисломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

2 апрель куни Кремлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик ва халқаро доирадаги долзарб муаммолар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Сўнгра давлат раҳбарлари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфаати нуқтаи назаридан такомиллаштириш, Ҳамдўстлик шартномавий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, тузилма органлари тизимларини такомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда Россия Федерацияси Президентининг Федерация кенгашидаги вакили бўлиб ишлаб келган Юрий Яров МДҲ ижрочи котиби этиб тайинланганги маълум қилинди.

Ялпи мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларацияси, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисида, МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги ва бошқа қарорлар, шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш Концепцияси ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

***

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

XXI аср ўзбек ёшлари



Суратда: 5-синф ўқувчиси Қаҳрамон Акбаров. У Андижон вилояти Мадиёров номли хўжаликдаги Шароф Рашидов номидаги мактабда ўқийди. Техникага қизиқиши катта.

Владимир ПАНОВ олган сурат

Хотира — муқаддас

Қадрлаганинг—қадр топганинг

Оллоҳ инсонга тириклик ато этади. Бу ҳикматли неъматни мазмунли ўтказиш унинг бандасига боғлиқ. Дунёда жуда кўп яхши амаллар бор. Уларнинг энг яхшиси—ўтганлар хотирасини эъзозлаш, қадрлашдир. Муқаддас ўгитларда ҳам шундай дейилган. Тириклигини ана шундай амалларга бағишлаган инсонгина мазмунли ҳаёт кечиради. Соддароқ қилиб айтганда, халқимизда «қадрлаганинг—қадр топганинг» деган нақл бор. Унинг моҳияти ҳам шунда. Ўтган умрингни фарзандларинг қадрлаб, ёдга олса, бундан мазмунлироқ ҳаёт бормикан.

Президентимизнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони бизни чин маънода инсонийликка, мазмунли ҳаётга ундайди. Фармон шуниси билан аҳамиятлики, у ҳар бир юрт фуқаросидан яна бир бор Ватан, Миллат ва Истиқлол қаҳрамонларига чуқур ҳурмат, ён-веримизда содир бўлаётган воқеаларга тийрак нигоҳ билан қарашни талаб этади. Мустақиллик майдонида қад ростлаган Она сиймосини кузатарканман, дилимдан жуда кўп ўйлар кечди. Негаки, Онанинг мунис, соғинч чизиқ тортган чеҳраси кишини ўйга чулғайди. Онасини эслатади. Биз фарзандларнинг эркалиғу ташвишларимиз, тирикликнинг ширину аччиқ азоблари Она юзида акс этади, дейишади. Она — Ватан. Бу тушунчаларни уйғунлигини инкор қилиб бўлмайди. Аксинча, бизни такрор ва такрор Эзгуликка, Онага ва Ватанга муносиб фарзанд бўлишга чорлайди.

16 февраль куни пойтахтимизда содир этилган мудҳиш воқеалар шу куни шаҳид кетганларнинг яқинлари, дўст-қариндошлари, фарзандларининг оҳи урадиган, юртимиз истиқлолини кўролмайдиган, разил одамларнинг иши эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларни одам деб аташ ҳам балки ноўриндир. Қаранг, орадан бир ярим ой вақт ўтибди. Шунга қарамай, халқимиз воқеани содир этганларга ўз муносабатларини очиқ билдириб келмоқда. Бу нафақат қалбимизда, балки мустақил Ўзбекистон тарихида ҳам муҳрланиб қоладиган воқеадир. Зеро, хиёнаткор, туз еб туздонга тупурган кимсаларни она ҳам, халқ ҳам, тарих ҳам кечирмайди. Шаҳидлар эса ўз юртида қадр топиб бораверади.

Юртимиз мустақиллиги, равнақи ва тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлганлар эшитсин: сизларга йўл йўқ! Бу қилмиш Онасига мушт кўтарган билан баробар. Бундай фарзандни Она ўз бағридан ҳайдагани каби асрий орзуларнинг нурли йўлларида илдам қадамлаётган Ўзбекистонда ҳам сизларга ўрин топилмайди. Ҳаракатингиз ҳеч вақт бизни бу йўлдан қайтармайди. Қайтаролмайди. Бильакс, кимки ёмон ниятда бўлса чоҳга ўзи тушади.

Фикрат НОРХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар
«Самарқанд» шоҳбекати
бошлиғи.

«Суюнчисиз қолган қувончлар»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 13 март сонида чоп этилган «Суюнчисиз қолган қувончлар» сарлавҳали танқидий мақоласи Боёвут тумани ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, 1999 йил 17 март куни ҳокимликнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Оналарга тўланадиган суюнчи пули ва нафақаларни ўз вақтида тўламагани, бу ишда сансалорликка йўл қўйгани учун жамоа хўжалиги раҳбари Ш. Исмоиловга, «Мингчинор» қишлоқ фуқаро йиғини раиси Т. Турдимуродовга ҳайфсан эълон қилинди.

Етти нафар боланинг онаси бўлган Х. Набиевага 10982 сўм суюнчи пули ва нафақа пули тўланиши таъминланди.

Ушбу масала юзасидан тумандаги барча корхона ва хўжалик раҳбарларига болалар нафақаларини ўз вақтида тўланиши бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Т. МАМУРОВ,
Боёвут тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

«Ваъдага вафо қани?»

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 28 ноябрь сонида чоп этилган «Ваъдага вафо қани?» сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Фуқаро Н. Шакаров Темирйўл туман ҳокимиятида имтиёзли «Меҳнат ногирони» сифатида уй-жой олиш учун навбатга олинган. Ҳозирги кунда навбати № 2. Жорий йилнинг биринчи ярмида Темирйўл туман ҳокимиятида «Меҳнат ногирони» навбатчиларига хонадон ажратиш режалаштирилган.

Н. Шакаровнинг яшаш шароити оғирлигини ҳисобга олиб, Темирйўл туман ҳокимияти қошидаги уй-жой ҳайъатида ушбу масала кўриб чиқилиб, хонадон бириктирилади.

Ш. ҲОТАМОВ,
Самарқанд шаҳар
ҳокимининг ўринбосари

Икки оёқли «каламуш»лар

ёки «Жомбойдон» ҳиссадорлик уюшмасига қарашли Челак дон қабул қилиш омборидаги талон-тарожликлар, катта миқдордаги ўғирликлар хусусида

Раҳбарликнинг ўзига яраша масъулияти бор. Ориятни унутиб, нафс гирдобига тушиб қолган жойлардаги айрим раҳбарлар ўз жамоа аъзолари орасида ислоҳотлар натижасига бўлган ишончни сусайтиради. Бу ҳақда Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими, оёғи ердан узилдими, имон-иродаси сусайдими — билингки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади»¡ — деган эдилар. Катта-кичик жамоанинг ризқ-насибасини қийиб, ўз шахсий манфаатлари йўлида турли жиноятлардан тап тортмайдиган кимсаларни жамиятимизда қарор топаётган адолат мезони, халқимизнинг ҳақ-ҳақиқатга бўлган устун ишончи бир чеккага супуриб ташлайди.

Самарқанд вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов кенгаши яқинда ана шундай «раҳбар»лардан бир гуруҳининг жиноий ишини кўриб чиқди. Суд мажлиси судья Толиб Йўлдошев раислигида челаклик «каламуш»ларнинг зараркунандалик фаолиятига нуқта қўйди. «Каламуш»лар — Тўрахон Саидов, Зариф Қаршиев.

Тўрахон ғалла мустақиллиги учун қизғин кураш бошланган давр - 1993 йилнинг 5 февралида ўта нозик, лекин мойлигина жойга «акахон»лари кўмагида (бироз «харажати»ни ҳисобга олмаганда) осонгина эришди. (Бу жой ростданам мойлидирки, мана ҳали бу йилги ғалла ўрим йиғимига бир олма пишиғи вақт борлигига қарамай жойларда баъзи бир кимсаларнинг омбор мудири лавозимини эгаллаш учун «катта»ларни излай бошлагани, «харажати»га рози бўлиб югуриб юргани ҳақида эл орасида аччиқ ва очиқ гаплар пайдо бўлди).

Тўрахон Саидов дастлабки йиллар ўзи эплаганича жиғилдонини мойлаб, чўнтагини қаппайтиради. Кейинги йиллар эса Зарифни ҳам бу «иш»га жалб қилиб, ҳамтовоқликда қўрқмасдан омборга ҳужум уюштиришди. Икковлон давлат ва халқ мулкини талон-торож қила бошлади. Фактларга эътибор берайлик. 1996 йилнинг 26 октябрдан 6 ноябригача Тойлоқдаги дон ишлаб чиқариш комбинатидан 1274670 килограмм уруғлик буғдойни қабул қилиш пайтида сохта, қалбаки юк хатлари ёзишиб, 5800 килограмм - 116400 сўмлик уруғлик буғдойни даромадга олмасдан жиғилдонларидан ўтказиб юборишди.

Шу йили «Жомбойдон» ҳиссадорлик уюшмасидан олинган 245000 килограмм уруғлик буғдойнинг 61010 килограмми (умумий суммаси 754693 сўм 70 тийин) ҳам мойи қуримаган жиғилдонларга тушди. Кемирилган, аниқроғи, ўғирланган дон ўрнини қоплаш ва камомадни ёпиш учун эса бу ишга омбор лаборанти Анвар Муҳаммадиев жалб қилинди. 61010 килограмм уруғлик буғдой «Иқбол» деҳқон-фермер хўжалигига ўтказилганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар тахланди.

Хўжаликнинг тупроғи унумдор, суви ҳам етарли. Одамлар мустақил юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун виждонан меҳнат қилиш иштиёқи билан яшаяпти. Лекин юқоридаги «каламуш»ларга ўхшаш баъзи бир раҳбарларнинг ўғирликлари, кўзбўямачиликлари туфайли хўжалик «ўтириб» қолди. Бундан ҳамма ташвишга тушган эди. Шундай пайтда давлат ёрдам қўлини чўзди, хўжалик санацияга тушди. Сидқидилдан қилинган меҳнат сабабли ўтган йилнинг ўзидаёқ хўжалик қаддини анча тиклади. Пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

Халқ мулки сақланадиган омборни ўзимники деб ўйлаган Тўрахон Саидов бўлса ўғирлик қилишда бир неча йил ичида шайтонга ҳам дарс берадиган бўлиб қолган экан. У жиноий фаолиятини давом эттириб, тумандаги Мамараҳим Ёрлақобов номли жамоа хўжалигига чиқим қилинган 12540 килограмм уруғлик буғдой ҳужжатларини қалбакилик билан 15610 килограммга ўзгартириб, хўжалик омбор мудири Турдиевнинг ўрнига ўзи имзо чекиб 36391 сўм 80 тийинлик буғдойни омбордан чиқим қилиб юборди. 70 тонна буғдойни эса ифлос, яроқсиз, дея ҳужжатлаштириб, ахлатхонага тўкилди, деган далолатнома ёзди.

Судда Тўрахон Саидовнинг жиғилдони ўпқонга айланганлиги ҳақидаги бундай далил ва фактлар кўплаб келтириладики... Аммо, халқ ризқи бўлган донга, нонга ўғирлик қилган киши у дунё, бу дунёда яхши кун кўрармикан?

Тўрахон Саидов ва Зариф Қаршиевлар-ку судда қонун бўйича қилмишларига яраша жазо олишди. Бироқ, бундан ҳисса шуки, ўзгалар мулкига кўз олайтирадиган ёки энди шунинг илинжида юрган нафс бандалари ўз куч-қудратларига, имкониятларига ортиқ ишонишмасин, текин луқма бир куни оғиз йиртишини билсин. Энг оғир жазолар уларни ҳам четлаб ўтмайди.

Ҳасан ҒУЛОМОВ,
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги молия бўлимининг тафтишчи- етакчи мутахассиси.
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

ЗАМБИЯ. **Собиқ президент Кеннет Каундуга суиқасд уюштирилди. Собиқ президентнинг шахсий қўриқчиларидан бирининг таъкидлашича, 5 кишидан иборат террорчилар К. Каундуга қарашли «Тойота» автомобилини ўққа тутган. Бахтли тасодиф туфайли собиқ президент бу пайтда машинада бўлмаган.**

Бироқ полициячилар воқеани бошқача талқин қилмоқда. Уларнинг айтишича, бу жиноят сиёсий асосга эга эмас. Чунки кейинги пайтда мамлакатда қимматбаҳо автомобилларни олиб қочиш ёки ҳайдовчисини талаш мақсадида қуролли ҳужум қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

ВЬЕТНАМ. **Давлат статистика бошқармасининг маълум қилишича, Жанубий Осиёдаги молиявий инқироз туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат экспорти жами 2,121 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 11,8 фоиз камдир. Импорт ҳам 18,1 фоиз камайган.**

«Осмонга сиғмаган муҳаббат»

Айни кунларда республикамизда «Наврўз—99» анъанавий театр санъати фестивали ўтказилмоқда. Унда барча профессионал театр ва театр студиялари 1997-1998 йиллардаги энг яхши спектакллари билан иштирок этиши кўзда тутилган. Куни кеча Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида ана шундай спектакллардан бири намойиш этилди. Фарғона вилояти Шакаржонов номидаги мусиқали драма театрининг адиб Йўлдош Сулаймон қаламига мансуб «Осмонга сиғмаган муҳаббат» саҳналаштирилган асари барча йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Асар буюк ватандошимиз, аллома Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилади. Унинг болалик, ўсмирлик ва олим сифатида шаклланган даври саҳнада шундай акс эттирилганки, томошабинни ўша давр силсилаларига, ёрқин хотираларга етаклайди. Аҳмад ал-Фарғоний сиймоси асар давомида ҳақсизлик, зўрлик, жаҳолат ва қабоҳатга қарши қўйилади. Ҳар сафар юксак илм ва маърифат соҳиби голиб келаверади.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Бу дунёнинг ишлари

ХИТОЙ. **Синхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, 31 март куни кечаси Шри-Ланка соҳилига яқин жойда КХДР билан Жанубий Кореянинг юк кемалари тўқнашиб кетган. Натижада Шимолий Корея кемаси денгизга ғарқ бўлган, 35 нафар денгизчи бедарак йўқолган.**

Шри-Ланка радиосининг хабар беришича, фожиа мамлакатнинг соҳилидан 560 километр узоқликда содир бўлган. Айни пайтда Корея Республикаси денгизчилари шимолий кореялик ҳамкасбларидан икки нафарини қутқариб қолишга улгурганн ҳақидаги маълумот мавжуд. Фожианинг сабаб ва тафсилотлари ўрганилмоқда.

ЯПОНИЯ. **Маълумотларга қараганда, 1998 йил апрелидан 1999 йил март ойи охиригача 4,214 миллион дона япон автомобили сотилган ва бу кўрсаткич аввалги даврдагига нисбатан 11,2 фоиз камдир. Мазкур рақам сўнгги 12 йил мобайнидаги энг оз кўрсаткич бўлиб қолди.**

Статистик маълумотларга кўра, Японияда жами 11 та автомобиль заводи бўлиб, ўтган йили уларнинг барчасида маҳсулот савдоси яхши юришмаган. Жумладан, «Тойота» ва «Ниссан» корпорацияларининг сотилган автомобиллари сони икки йилдан буён бир миллиондан ошмаяпти.

Партия хабарлари

Ҳисобот-сайловлар бошланди

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми жорий йилда партиянинг барча тузилмаларида ҳисобот-сайлов тадбирларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар, 200дан зиёд шаҳар ва туман партия кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган пленумларида ушбу муҳим мавсумни жойларда юксак ташкилий ҳамда ғоявий-сиёсий даражада ўтказишга қаратилган вазифалар аниқланди. ХДПнинг маҳаллий кенгашлари ҳисобот-сайлов мажлислари ва партия конференцияларини ўтказиш жадвалларини тузиб, уларга тайёргарлик кўришга киришдилар. Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бошланди.

Ўзбекистон ХДП МК ахборот маркази

Чуқур таҳлил, аниқ хулосалар

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши пленумининг кун тартибидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми, Тошкент шаҳар кенгашининг XIV пленуми қарорлари асосида туман партия ташкилотининг вазифалари, навбатдаги конференцияни чақириш ва туман кенгаши ижроия бюросининг 1998 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Кўриб чиқилган масалалар таҳлилга бойлиги, аниқ хулосалар чиқарилгани, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгиланган билан эътиборга моликдир. Пленумда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кадрлар — ҳал этувчи куч

Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгашининг пленумида ҳам Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми ва шаҳар кенгашининг XIV пленуми қарорлари асосида туман партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала кўрилди. Бу ҳақда туман партия кенгашининг биринчи котиби Ёдгор Шодмонов маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Арофат Холиқова туман кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Янгича услубда ишлайлик

— Ҳозир одамларни жалб қилиш қийин, — деб гап бошлади Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби Раъно Сатторова. — Шунга қарамасдан 151 нафар кенгаш аъзоси ва 175 та бошланғич партия ташкилоти котиблари, шунингдек, 40 нафар таклиф этилганларнинг ҳаммаси ҳозир бўлди. Бу, энг аввало, интизом ва партия фаолларининг масъулиятни ҳис этишлари билан боғлиқдир. Туманда ноанъанавий услублар билан иш олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Туман партия кенгаши пленуми 1998 йилда қилинган ишларни сарҳисоб этди ва 1999 йилги энг асосий вазифалар — бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва навбатдаги туман партия конференциясини намунали ўтказиш тадбирлари белгилаб олинди.

Пленумда ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, туман ҳокими А. Мажидов ўз депутатлик фаолияти ҳақида ахборот берди. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Латиф Ғуломов нутқ сўзлади.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қонда бор фазилат

аммо уни уйғотмоқ керак

Марғилон гўзал шаҳар. Ўз тарихига, ўз маданиятига эга, асосийси, йигитлари бошидаги дўпписию қизлари эгнидаги атласи билан, шу либосларига мос гўзал табиатли аҳолиси билан жаҳонда ажралиб турадиган ЎЗБЕКнинг ажралмас бир парчаси бу шаҳар. Ва яна айтиш керакки...

Келинг, ортиқча мақтовларга берилиб кетмайлик. Зеро, бугунги мақоладан мақсадимиз, Ўзбекистоннинг бу гўшасида бугун нима гап эканлигига бир назар ташлаш, у ҳақда газетхонларимизга икки оғиз ҳақиқатни ҳикоя қилиш. Ахир, бугун ўтиш даври қийинчиликларини ҳар бир ватандошимиз бошидан ўтказаяпти. Уни сабот билан енгиб ўтаётганлар орасида йўлини топа олмаётганлар, ҳаёт зарбаларидан гангиб қолаётганларнинг ҳам учраши эса табиий ҳол. Хўш, бундай пайтда уларга ким суянч бўлмоқда?

Минг ҳадик билан қўйилган бу саволга Чилонзор маҳалласида яшайдиган Дилбархон Қурбонова хонадонида дастлабки жавобни топгандай бўлдик. Тақдир тақозоси билан ўз боқувчисини йўқотган, жўжабирдай болаларига ҳам оталик, ҳам оналик қилиб келаётган бу аёл маҳалласидан миннатдор. У яхши одамлар кўплигига, ўзининг ва фарзандларининг тақдири ҳамиша эътиборда эканига ишонади.

Биз кўнгилни завқлантирадиган бундай ишонч сабабларини билишга қизиқамиз. Улар эса кўп экан. Айниқса, шу маҳалладан Марғилон шаҳар кенгашига депутат бўлиб сайланган Шавкат Эрматов, унинг ташаббуси билан саховат

Депутатлар фаолияти

йўлида бир ёқадан бош чиқаришган маҳаллий тадбиркорлар кўпчиликнинг олқишига сазовор. Сўрабсуриштирсангиз бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Дилбархон Қурбонова оиласидан ҳамиша хабардор бўлган бу саховатпешалар эса озмунча моддий ёрдамга эҳтиёж сезган бошқа маҳалладошларини ҳам имкониятлари доирасида қўллаб туришар экан. Яқинда Тинчлик кўчасидаги 179, 179-4, 203-уйлар, 8 март кўчасининг 4-корпусидаги турар-жой биноси ва 165-уйнинг томида таъмирлаш ишлари ана шу одамлар ташаббуси билан амалга оширилгани ҳам бунинг исботи

— Ҳар бир маҳалла, ҳар бир шаҳар ёки қишлоқ аҳли аслида бир бутун бўлиши керак. Айниқса Шарқда ҳамиша шундай бўлиб келган. Бу ҳаммамизнинг қонимизда яширин, фақат жойларда кимдир уни қўзғаши, уйғотиши керак, холос, — дейди депутат Шавкат Эрматов.

Назаримизда, жуда ўринли ва бугун учун ўта муҳим гап бу. Ахир, қайси ака ўз укасининг етишмовчилигига томошабин бўлиб тура олади. Ёки жигарининг мушкул аҳволда қолиши озгина ўзига тўқ қариндош учун уят эмасми? Битта маҳаллада яшайдиганлар ҳам аслида бир-бири билан ана шундай қариндошлик ришталарини боғласа, бири иккинчисининг ҳолидан хабардор бўлса бутун миллат учун бундан ортиқ ижтимоий ҳимоя бўладими?

Шу каби мулоҳазалар бундай савоб ишга қўл урган депутатга бўлган қизиқишимизни яна орттиради. У билан яқинроқ танишишга ундайди.

1994 йил халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгашига 6-Чилонзор сайлов округидан сайланган Шавкат Хорунбоевич Эрматовнинг номзоди ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгашидан қўйилган. У Марғилон тиббий билим юрти директори.

Одамнинг кимлигини аввало ўзи ишлаётган жамоадаги муносабат аниқлайди, деган ўй билан шу билим юртидаги аҳвол билан қизиқамиз. Шунда маълум бўладики, унинг ташкилотчилик қобилияти бу ерда ҳам ўз натижасини берган. Билим юртининг ўқув-тарбиявий ишлари юқори савияда. Талабаларнинг билим олишлари учун имкон қадар шароит яратилган. Улар ўртасида узлуксиз ўтказилиб туриладиган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўз аксини кўрсатиб тургандай. Айниқса, директор билим юртидаги бошланғич партия ташкилотининг жамоада ўз ўрнини топишида анча-мунча ишларни амалга оширган.

Яна мақтовларга ўтиб кетган бўлсак, узр, азиз газетхон. Аммо, мақоламиз сўнгида мақсадга қайтиб, ўртага савол ташлашимизга ижозат беринг: наҳотки, республикамизда Шавкат Эрматов ва унинг атрофида жипслашган саховатпеша, ватанпарвар инсонлар каби юртдошларимиз кам бўлса? Балки улар жуда кўпдиру, биз ўзимиз эътибор бермаётгандирмиз? Эҳтимол, улар янаям кўпроқдиру, биз уларни кашф қилиб, яшириниб ётган миллатпарварлик, халқпарварлик туйғуларини уйғота олмаётгандирмиз? Ким билади дейсиз, бунинг учун балки маҳаллий ҳокимият раҳбарларидан ҳам бир чимдим эътибор талаб қилинар?

Ўктамжон ЭШОНБОБОЕВ, журналист, Нурбек ТОШНИЁЗ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Янада аниқлик киритилса...

«Бошқарув вазифалари асосий қисмининг марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради».

Президентимиз Ислом Каримов томонидан таъкидланган ушбу қоида бугунги кунда давлат бошқарувида ўз тасдиғини топмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаоллиги кундан-кунга ошиб бормоқда. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатини қонун билан мустаҳкамлаш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Қонуни лойиҳаси матбуотда эълон қилингани эса айни муддао бўлди. Биз ушбу қонун лойиҳасини синчковлик билан кўриб чиқдик ва у бизни деярли қониқтиради. Фақат қонун билан танишиш жараёнида бир-иккита мулоҳазалар ҳам туғилдики, ҳозир уларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Олий Мажлиснинг XIV сессияси муҳокамасига киритилган Қонун лойиҳасининг 2-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатлиги айтилган. Фикримизча, уни «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат», — деб ўзгартириш керак. Чунки, Ўзбекистон Конституцияси барча қонунлар учун асос бўлиш билан бирга, унинг 105-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳам қонуний мустаҳкамланган.

Қонун лойиҳасининг 6-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳақида ёзилган.

Биз бу принциплар қаторига қонунчилик принципини ҳам қўшишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Чунки, ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи бўлган фуқаролар йиғини қарорлар қабул қилиш ва бошқа ўз ваколатларини амал-

Қонун лойиҳаси муҳокамада

га оширишда қонунчилик принципига риоя қилишлигини қонунда белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу қонун лойиҳасининг 13-моддасида фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари белгиланган. Ушбу моддада «Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун давлат органлари ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимномалар киритади» — дейилади.

Мана шу жумлага ҳам бироз аниқлик киритилиб, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги учун фуқароларни ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқадилар ёки ўз ваколатлари доирасида бошқа тегишли органларга тақдимномалар киритадилар, деб қўйилса маъқул бўларди.

Бундан ташқари, ушбу моддада қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади, деган жумла бор. Агар айнан қандай ваколатларни назарда тутилаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилса фуқароларимизга тушунарлироқ бўларди.

Қонун лойиҳасининг 14-моддасида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин, дейилган. Бизнинг фикримизча, қайси ҳужжатларни тасдиқлаш мумкин эмаслигини 14-моддада аниқ кўрсатиш ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Ушбу моддадаги «аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда» деган иборани эса олиб ташлаш керак деб ҳисоблаймиз.

Агар бу таклиф ва мулоҳазаларимиз инобатга олинса, ушбу қонун янада мукаммалроқ бўларди, деган умиддамиз. Бошқа фуқароларимиздан эса ўз фикр-мулоҳазаларини сақлаб қўймасдан албатта билдиришларини сўраймиз.

Абдуғаффор САТТОРОВ, Ўзбекистон ИИВ Академияси докторанти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

«Ўзбекистон овози» газетасининг азиз ўқувчилари!

Мен Сизлар билан севимли газетангиз саҳифалари орқали учрашиб турганимдан бахтиёрман. Ўтган йили Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси «Мулкдор» газетаси ижодкорлари билан «Мисрга бир нигоҳ» номи остида мусобақа уюштирган, унда қимматбаҳо ва эсдалик совғаларидан ташқари биринчи мукофот соҳиби туризмни ривожлантириш Миср Бош бошқармасининг Мисрга бепул сафар қилиш йўлланмасини қўлга киритган эди. Бу йилги мусобақамизда ўзбекистонлик биродарларимиздан иложи борича кўпчилиги иштирок этишини истаган ҳолда уни республикангиздаги турли тилларда чоп этиладиган қатор газеталар саҳифасида ўтказишга азму қарор қилдик. Зеро, бу галги мусобақа совринлари, мукофотлари у ёқда турсин, Мисрга бепул сафар қилиш йўлланмалари сони ҳам бир неча баробар ортиб, бештага етди.

Имоним комилки, республика телевидение ва радиосида ҳам берилиб борадиган бу мусобақа материалларини кузатиб борсангиз, Мисрнинг бой тарихий ўтмиши, осори атиқалари ҳамда денгиз бўйларидаги ажойиб сайёҳлик гўшалари, шифобахш масканлари, диний ва дунёвий қадамжолари билан яқиндан танишасиз. Шу тариқа бу мамлакат ҳақидаги билим ва тасаввурингиз янада бойийди, Сизда бу кўҳна, айни чоғда ҳамиша навқирон юрт ажойиботларини ўз кўзингиз билан кўриш, Миср халқининг чинакам меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш иштиёқи уйғонади.

Мен, бу мусобақа Миср ва Ўзбекистон халқларини бир-бири билан боғлаб турган азалий маданий ришталар мустаҳкамлаши, давлатларимиз орасида мавжуд алоқаларни янада юқори босқичга кўтарилиши йўлида қўйилган яна бир ижобий қадам бўлади, деган умиддаман.

Доктор Мамдуҳ ШАВҚИЙ, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

«Ўзбекистон овози» газетасини севиб ўқувчи дўстлар!

Бугун биз «Ўзбекистон овози» газетасида «Миср кеча ва бугун» номи остида мусобақа бошлар эканмиз, азиз газетангиз саҳифалари орқали Миср ҳақида муфассалроқ гаплашиш имкони яратилганидан бағоят мамнунман. Агар Сиз мусобақага оид икки ҳафтада бир марта бериладиган беш мақолани мунтазам ўқиб борсангиз, жами ўн саволга жавоб топасиз. Зеро, ҳар бир чиқишда атиги иккитадан савол бериб борилади.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси суюкли газетангиз қатори бошқа бир неча рўзнома, республика телевидениеси ва радиоси билан ҳамкорликда ўтказаётган бу мусобақа ғолибларини қуйидаги соврин ва мукофотлар кутади:

— **Мисрга бепул сафар қилиш йўлланмаси — 5 та.** У Тошкент -Қоҳира-Тошкент самолёт билети, Мисрдаги донғи чиққан меҳмонхоналарда бепул туриш, мамлакатдаги фиръавнлар, юнонлар, римликлар, коптлар, Ислом даврига оид тарихий обидаларни бориб кўриш, замонавий сайёҳлик масканларида бўлиш, Қизил денгиз ҳамда Ўртаер денгизи қирғоқларида дам олиш харажатларини ўз ичига олади.

— **Бир неча қимматбаҳо электр асбоб-анжомлари.**

— **Бир неча эсдалик совринлари.**

Мусобақа соврин ва мукофотлари Миср туризмни ривожлантириш Бош бошқармаси, МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси, Миср Информация вазирлиги Маълумотлар Бош бошқармаси томонидан таъсис этилган.

Бу соврин ва мукофотлардан умидвор бўлган ўқувчилар мазкур газетанинг ҳар икки ҳафтада бир марта, мана шу куни чиқадиган сонларини харид қилишлари сўралади.

Газетанинг беш сонида берилган мусобақа саволларига жавоблар йиғиб борилиб, мусобақа якунида қуйидаги манзилгоҳга жўнатилиши керак.

Тошкент — 700000, Матбуотчилар кўчаси-32, 6-қават, 601-604 хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (Мусобақага).

Раъфат Ас-САБЪА, Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси раиси

Миср: кеча ва бугун

Миср Араб Республикаси жуғрофий жиҳатдан икки қитъага жойлашган ноёб давлатлар сирасига киради. Зеро, унинг бир қисми Африка қитъасининг шимолий шарқида, бир қисми эса Осиёга қарашли Синай ярим оролида жойлашган. Шу боис ҳам Миср ўзининг узоқ тарихи давомида Осиё, Африка ва Европа қитъаларини бир-бири билан боғлаб турадиган муҳим кўприк вазифасини ўтаб келган.

Мисрнинг умумий майдони 1 млн. квадрат километрдан сал ортиқ бўлиб, кичик-кичик воҳаларни ҳисобга олмаганда мамлакат майдонининг деярли 96 фоизи қояли тепалар, чўл ва саҳролардан иборат. Шу боис ҳам Мисрда истиқомат қилаётган 63 млн. атрофидаги аҳолининг асосий қисми мамлакат умумий майдонининг тахминан 4 фоизини ташкил этадиган Нил дарёси дельтаси ва водийларида кун кечирадилар.

Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳридир. Нафақат Африкада, балки Араб оламида энг йирик ва энг қадимий ҳисобланган бу шаҳарда 8 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қоҳира шаҳрининг дунёдаги бошқа пойтахтлар орасида тутган ўрни ҳам беқиёсдир.

Мисрнинг об-ҳавосига келсак, ёзи иссиқ, қиши совуқ эмас. Мисрликлар қор нималигини билмайдилар. Денгиз бўйларидаги ерлар ҳисобга олинмаганда намли куз ҳам, ёғин-сочинли баҳор ҳам уларга бегона. Кўк юзини булут, ер юзини ёмғир суви қоплаши ўта ноёб, айни чоғда жуда шукуҳли дамлардир. Қоҳирада об-ҳаво майдан сентябргача бўлган ёз даврида 38-40 даража атрофида иссиқ бўлса, «қаҳратон қиш» ҳисобланмиш декабрь-февраль ойларида иссиқ 15-20 даража пастга тушмайди. Мамлакатнинг жанубида ҳарорат бундан бир қадар иссиқ бўлса, денгиз бўйидаги ерларда об-ҳаво бир мунча пастроқ бўлади. Мисрга сафар учун энг қулай пайт октябрь ойининг иккинчи ярмидан ноябрь ойи охирларигача ёки март ойининг иккинчи ярмидан апрель ойи охирларгача бўлган давр ҳисобланади. Зеро, бу пайтларда Қоҳирада 25-30 даража иссиқ бўлиб, бемалол сувда чўмилиш, кун бўйи узлуксиз сайр-саёҳат қилиш мумкин.

Мисрнинг чўзинчоқ шаклдаги байроғи узунасига тенг уч қисмга бўлинган бўлиб, тепа қисми қизил, ўрта қисми оқ, қуйи қисми эса қора рангдадир. Оқ рангдаги бўлак ўртасида тилла рангда бургут шакли туширилиб, унинг ост қисмига «Миср Араб Республикаси» ёзуви битилган.

Мисрда давлат тили араб тили бўлиб, аксарият аҳоли кундалик ҳаётда араб тилининг Миср лаҳжасида сўзлашадилар. Мамлакатнинг жанубидаги Асвон тўғони атрофида истиқомат қиладиган нубийларнинг ўзларига хос тиллари ҳам истеъмолдадир. Мисрликларнинг кўпчилиги инглиз ёки француз тилларида ҳам бемалол гаплаша оладилар.

Миср жунайҳи мамлакат миллий пул бирлиги ҳисобланиб, у юз қиршдан иборат. Мана ўн йилдан ошдики, 3,35-3,40 миср жунайҳи бир долларга тенг ҳолда муомалада келади.

Миср Араб Республикаси маъмурий жиҳатдан 26 вилоятга бўлинади. Улар Қоҳира, Искандария, Гиза, Исмоилия, Асвон, Асьют, Порт Саид, Ал-Буҳайра, Ал-Мануфия, Думьят, Сухаг, Сувайш, Ал-Қалюубия, Ал-Файюм, Қена, Кафр Аш-Шайх, Матруҳ, Ад-Дакаҳлия, Ал-Ғарбия, Бани Сувеф, Аш-Шарқийя, Ал-Мина, Шимолий Синай, Жанубий Синай, Ал-Водий Ал-Жадид, Қизил денгиз вилоятларидир.



Мисрнинг муҳим сув портлари — Искандария, Сувайш, Порт Саид, Думьятдир.

Миср иқтисодига келсак, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришилгани боис, чет эл сармоя ва капиталининг миллий иқтисодга кириб келиш қўлами тобора ортмоқда. Бу ўз навбатида саноатда жиддий ютуқларни қўлга киритиш имкониятини яратмоқда. Мамлакатда ўзга юртлар пули бемалол муомалада бўлиши билан бирга, валюта алмаштириш ва ўтказиш бўйича бирор қийинчилик йўқ.

Миср ҳукумати мамлакат иқтисоди ва саноати тараққиётига алоҳида аҳамият берган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига ихтисослашган 15 га яқин замонавий саноат шаҳарчаларини бунёд этиб ишга туширишга муваффақ бўлган. Улар мамлакат пойтахти атрофида қад ростлагани ҳам эътиборга лойиқ.

Миср Араб Республикасида фиръавнлар, копт ва Ислом даврлари маданиятига оид жуда кўп осори атиқа ҳамда замонавий сайёҳлик масканлари мавжуд.

Мисрда бир қатор муҳим миллий ва ажнабий банклар фаолият кўрсатади. Улар қаторига Миср банки, Миср миллий банки, Миср-Америка банки, Миср халқаро банки, Қоҳира банки, Искандария банки, Нил банки, Сувайш банки, Араб халқаро банки, Савдо халқаро банки, Тижорат халқаро банки, Экспресс Америка банки ва бошқалар киради.

Миср кишилик жамияти тарихида илк бор сиёсий тузум ва марказлашган ҳукумат нималигини англаган ҳамда ҳаётга татбиқ этган биринчи давлатдир. Миср Араб Республикасининг бугунги сиёсий тузуми сайланадиган демократик парламент бўлиб, у кўп партиявийлик ҳамда қонун устуворлигига асосланади.

Бугунга келиб Миср иқтисоди ривожланган, жаҳон ҳамжамияти орасида тинчликсевар сиёсати билан ўзига хос ўрин эгаллаган давлатдир. У дунёдаги давлатлар билан тенг ҳуқуқийлик, ўзгалар ички ишига аралашмаслик, ўзаро манфаат асосида алоқа қиладиган мамлакатдир. Айни чоғда Миср Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари ичида биринчи бўлиб тан олган, мамлакатимизда ўзининг элчихонасини очган дўст мамлакат ҳамдир. Ҳозирда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази, оммавий ахборот воситалари бўйича фаолият кўрсатувчи Матбуот шўъбаси иккі мамлакат ўртасидаги маданий, маърифий ҳамда оммавий ахборот воситалари бўйича ўзаро алоқаларни янада юқори поғоналарга кўтариш йўлида кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Бугун бошланаётган мусобақа ҳам ана шу йўналишдаги холис ниятли ишлардан биридир.

Мусобақа савол-жавоблари варақаси

Мусобақа қатнашчисининг исми-шарифи

1. Миср жуғрофий жиҳатдан қайси қитъалар ҳудудида жойлашган?

А/ Африка ва Осиё;
Б/ Австралия ва Осиё;
В/ Африка ва Австралия;

2. Мисрнинг иқлими қандай?

А/ Ёзда иссиқ, қишда совуқ
Б/ Ёзи ҳам, қиши ҳам мўътадил
В/ Йил давомида ёмғирли

Эслатма: Савол ва жавоб варақалари қирқиб олиниб, нотўғри жавоблар ўчирилган ҳолда мусобақа якунигача йиғиб юрилади, сўнгра қуйидаги манзилга юборилади:

Тошкент — 700000 ГСП, Матбуотчилар кўчаси-32, 6-қават, 601-604 хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси. (Мусобақага).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
12.05 «Санъат олами».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
13.00 «Дўрмонда баҳор». Бадиий кўрсатув.
